

1 – масала

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори ижросига бағишланган йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳақида”ги масала бўйича СамДАҚИ илмий Кенгашининг 2016 йил 29 феврал 7/1-сонли қароридан кўчирма

Илмий кенгаш “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 февралда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори ижросига бағишланган йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахборотини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва ундан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш юзасидан 2015-2016 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган ва институт ректори томонидан 2015 йил 20 сентябрда тасдиқланган. Дастурда белгилаб олинган тадбирлар доирасида Институтда Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш мақсадида, АК «ЎзбекТелеком» интернет провайдерлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ахборот тизимлари ва электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида институтда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан яратилган “Таълим” ахборот тизимлари мажмуаси жорий этилган. Бу тизимга институт структураси профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар, магистрлар ва талабалар тўғрисидаги маълумотлар киритилган.

Институтда ҳужжат алмашинувида фойдаланиладиган ички назорат дастурий таъминоти ўрнатилди. Талабалар билимини баҳолаш учун институтда **SunRay.TestOfficePro** ахборот тизимлари жорий этилган бўлиб, фан ўқитувчилари томонидан талабалар билимлари баҳоланиб келинмоқда.

Институтда ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлари режалари тузилган. Ушбу режада барча ахборот хавфсизликка оид бўлимлари тўлиқ киритилган ва маъсулларга бириктирилган. “Ахборот тармоғидан фойдаланиши” тартиби асосида назорат ташкил этилган, барча интернетдан фойдаланувчилар учун тегишли кўринишдаги бланк расмийлаштирилгандан сўнг фойдаланишга рухсат берилиши йўлга қўйилган. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида сервер компьютерларига **Серво Сонтрол тармоқлараро экрани ўрнатилган**. Бу дастур Интернетдан фойдаланувчи қандай манбалардан ахборот олаётганлиги ва уларнинг Интернетдан умумий фойдаланиш даражаси қанақа эканлиги ҳақида маълумот бериб боради.

Республикамиз Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли Қарорининг ижроси юзасида маълум даражада ижобий натижаларга эга бўлсақда, айниқса “Таълим” ахборот тизимлари мажмуасини шакллантиришда камчиликлар мавжуд.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимларини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1989-сон қарори ижросига бағишланган йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳақида”ги масала юзасидан ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Институтнинг янги сайтини маълумотлар билан бойитиш мақсадида белгилаб берилган устивор вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган тадбирлар, эришилган натижалар, истиқболли режалар ҳақидаги маълумотлар янгилаб борилсин

ва мунтазам киритиб борилсин. **Масъуллар:** барча проректорлар, факультет деканлари, кафедра мудирлари. **Муддат:** доимий.

3. Fikr.uz ва Utube.uz сайтларида институтнинг шонли тарихи, баркамол авлод тарбияси каби миллий руҳдаги мақолаларни ҳар ҳафтада ва видеоматериалларни ҳар ойда жойлаштириб борилиши учун маълумотларни Ахборот технологиялари бўлимига тақдим қилиб борилсин. **Масъуллар:** Маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректор О.Ю.Рустамов, факультет деканлари муовинлари, тегишли кафедра мудирлари. **Муддат:** Белгиланган кунларда доимий равишда.
4. “Таълим” ахборот тизми бўйича профессор-ўқитувчи ва талабаларга услубий кўрсатмалар тайёрлансин ҳамда қисқа ўқув курсларини ташкил этиш бўйича тақлифлар тайёрлансин. **Масъуллар:** “Ахборот технологиялари” кафедраси мудири У.А.Назаров, АТМ бошлиғи И.Эгамов. **Муддат:** 2016 йил март-апрел ойлари.
5. Samgasi.uz сайтида институтнинг иқтидорли ёшларини қўллаб-қувватлашга қаратилган танловлар, акциялар, грантлар ва тадбирларга оид ҳафталик маълумотларни доимий равишда ёритиб борилсин. **Масъуллар:** Илмий ишлар бўйича проректор Э.Исаков, халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Д.Мамараимов. **Муддат:** 2016 йил давомида.
6. “Электрон-ҳукумат” тизми доирасида “Таълим” ахборот тизимлари комплексини яратиш ва жорий этиш тўғрисидаги ОЎМТВ нинг 27.02.2016 йилдаги Ҳайъат кенгаши мажлисида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш. **Масъуллар:** барча проректорлар ва АТМ бошлиғи И.Эгамов. **Муддат:** 2016 йилнинг июл ойигача.
7. Мазкур қарор ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.



Илмий кенгаш котиби

Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

2 – масала

“2015-2016 ўқув йили учун бакалавиятура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2016 йил 29 феврал 7/2-сонли қароридан кўчирма

“2015-2016 ўқув йили учун бакалавиятура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”ги масала юзасидан қабул комиссияси масъул котиби А.Н.Гадаевнинг ҳисоботини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

Институт қабул комиссияси ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 июндаги “2015-2016 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-2359 сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 24 июндаги “2015-2016 ўқув йили қабулини юқори савияда ташкил этиш тўғрисида”ги, 225-сонли “2015-2016 ўқув йилига олий таълим муассасалари магистратурасига кириш синовларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги буйруқлари ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги **Низом**, “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** ва “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги **Низомлар** (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июнь 118-сонли қарори билан тасдиқланган), “Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги **Низом** (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2011 йилнинг 6 июлдаги 01-222/1-сон буйруғи билан тасдиқланган)ларга ва Самарқанд давлат архитектура–қурилиш институтининг 2015 йил 25 июндаги 172-у-сон буйруғига амал қилган ҳолда ташкил этилди.

Қабул комиссияси аъзолари ва техник ходимлар таркиби институт ректорининг **2015 йил 8 июндаги Х-78-сонли** буйруғи билан тасдиқланди.

2015-2016 ўқув йили қабулига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида институт бўйича қабул комиссиянинг тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва шу режа асосида ишларни бажариш таъминланди.

Институтимизда абитуриентларнинг ҳужжатларини **15 та** таълим йўналишлари бўйича қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сонли қарори** ва Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли харбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом** ҳақида абитуриентларга, уларнинг ота-оналарига маълумот бериш ва мазкур тоифадаги абитуриентни қабул қилиш тартиби тўғрисида институтда тўлиқ ахборот бериш чоралари кўриилди ва тест синовларида белгиланган имтиёзлар абитуриентларга тушунтирилди (**52 та ҳарбий имтиёзга эга бўлган абитуриентлардан ҳужжатлар тушди**).

2015-2016 ўқув йилида қабул комиссияси томонидан абитуриентлардан жами **7208 та** (ўтган ўқув йилида **5945 та**) ҳужжат қабул қилиниб, шундан **6497** таси ўзбек ва **711** таси рус таълим йўналишлари ташкил қилади.

Давлат тест марказининг 2015-2016 ўқув йили бўйича тест синови натижаларига кўра институтга 1 декабр ҳолатига кўра жами **1138 та**, шундан **447 та** давлат гранти ва **691 та** тўлов-шартномаси шартларини бажарганлар институт талабалари сафида қабул қилинди

2015-2016 ўқув йилига институт магистратурасига кириш синовларини «Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги **Низом**»га мувофиқ ташкил этилди ва ўтказилиши таъминланди.

СамДАҚИда 2014-2015 ўқув йилида магистрлар тайёрлаш бўйича қабул режаси **11 та** мутахассисликлар буйича **77 та** жой берилган бўлиб бундан **37 таси** давлат гранти, **40**

та ўрин эса тўлов–контракт асосидадир. Бу мутахассисликлар бўйича жами **136 та** абитуриентлардан аризалар тушди. Магистратурага қабул натижасига кўра **11 та** мутахассисликлар бўйича **64 та** магистр қабул қилинди.

Талабалари ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш бўйича институт қабул комиссиясига **118 та** хужжат топширилган бўлиб, бу ишлар белгиланган тартибда Низом асосида амалга оширилди.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади

1. **“2015-2016 ўқув йили учун бакалавиятура ва магистратура таълим босқичларига қабул натижалари тўғрисида”**ги масала юзасидан қабул комиссияси масъул котиби **А.Н.Гадаев**нинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.
2. Магистратура қабули бўйича тўлмай қолган ўринлар, яъни 5А311503-«Геодезия ва картография», 5А340302 “Шаҳар транспорти хўжалиги ва алоқа йўллари”, 5А340201 “Бино ва иншоотлар архитектураси”, 5А340401 “Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш” мутахассисликлари бўйича тегишли кафедраларда мутахассисликга йўналтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги таъкидлаб ўтилсин ва уни яхшилаш чоралари кўрилинсин. **Масъуллар:** Масъул кафедра мудирлари, қабул комиссияси аъзолари, маркетинг хизмати бўлими. **Муддати:** Доимий.
3. Келгусида аудитория кузатувчиси сифатида жалб қилинадиган институт профессор-ўқитувчиларнинг барчасини 1-августдаги тест синовларига қатнаштириш сўзсиз таъминлансин. **Маъсуллар:** Қабул комиссияси масъул котиби ва кафедра мудирлари.
4. Ушбу қарор ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор **А.Т.Қўлдашев** зиммасига юклатилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов

3 – масала

“Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан СамДАҚИ Илмий кенгашининг 2016 йил 29 феврал 7/3-сонли қарори

Илмий кенгаш “Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахборотини тинглаб ва муҳокама қилиб қуйидагиларни таъкидлайди.

2015 йил давомида бюджет маблағлари ҳисобидан **9 млрд 874 млн сўм** молиялаштирилди. Бюджетдан ташқари тушумлар асосини талабаларни пулли-контракт асосида ўқишдан тушган маблағлар ташкил этди ва унинг ҳажми 2015 йил давомида **14 млрд 075,0 млн сўм**ни ташкил этди.

2-талабалар турар жойи биносининг коридорларига **27,4 млн сўм**лик релин тўшалди ва **232,3 млн сўм**лик ётоқхона мебеллари сотиб олинди.

Институтнинг спорт зали ва ёрдамчи бинолари капитал таъмирланди ва бу ишлар учун бюджет маблағлари ҳисобидан **69,8 млн сўм** маблағ сарфланди.

Институтнинг асосий кириш қисми капитал таъмирланди ва ушбу ишлар учун **56,0 млн сўм** маблағ сарфланди ҳамда **24,6 млн сўм**лик турникет ўрнатилди.

Институт биноларига **25,8 млн сўм**лик **46 дона** видео кузатув камералари ўрнатилди.

2015 йилда **36,2 млн сўм**лик компьютер ва **12,4 млн сўм**лик проекторлар сотиб олинди.

2015 йилда **32,9 млн сўм**лик офис мебеллари, **44,8 млн сўм**лик юмшоқ инвентарлар ва **4,8 млн сўм**лик кондиционер ҳамда **810,0 минг сўм**лик тежамкор лампалар сотиб олинди.

2015 йил давомида “Архитектура”, “Қурилиш”, “Қурилишни бошқариш”, “Мухандислик коммуникациялари қурилиши” факультетларининг кафедраларига қарашли ўқув ва маъмурий хоналари ва коридорларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Институтнинг молиявий ҳолатини яхшилаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, дебитор ва кредитор қарзлар миқдорини ҳамда муддатларини назоратини олиб бориш, иш ҳақи ва стипендия тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ишларини давом эттириб, **2016 йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур бўлади:**

- Фаоллар зали биносининг катта мажлислар залини капитал таъмирлаш;
- Институт архивини капитал таъмирлаш;
- Спорт инвентарлари сотиб олиш;
- 50,0 млн сўмлик юмшоқ инвентарлар сотиб олиш;
- Институт моддий техника базасини янада ривожлантириш мақсадида янги замонавий компьютерлар сотиб олиш, ўқув мебелларини босқичма-босқич янгиллаб бориш;
- Мавжуд тиббий шахобчани янги мебеллар билан ва ишлашини таъминлаш;
- 2-талабалар турар жойи биноси худудида жойлашган 3-ташқи хожатхона атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш;
- АРМни кутубхона фондини ошириш;
- АРМ учун алоҳида сервер сотиб олиш;
- Институт худудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини давом эттириш

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. “Институтни ривожлантиришни жорий (йиллик) истиқболий режаларини тасдиқлаш ва молиявий-хўжалик фаолияти ҳақида”ги масала юзасидан молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор **Б.Қ.Абдусаматов**нинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Ҳар хил масалалар.

I. Ўқув адабиётларини чоп этишга тавсия бериш ҳақида.

Эшитилди:

Илмий кенгаш котиби Р.Т.Эшмаматов сўзга чиқиб, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, ҚарМИИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Ғ.Н.Алиқулов**, СамДАҚИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси ассистенти **В.Р.Ниязовлар** томонидан **“Мулкни баҳолаш”** фани бўйича тайёрланган **“Ер участкаси ва бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўyxатидан ўтказиш”** номли ўқув қўлланмаси 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши бакалаврият талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри” мутахассислиги магистрантлари учун мўлжалланганлигини гапириб, ушбу ўқув қўлланмага СамДАҚИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Н.Муродуллаев** ва Самарқанд вилояти Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси бошлиғи в.б. **Б.Ю.Нишановлар** томонидан берилган тақризлар, факультет ва институт илмий-услубий кенгашининг қарорлари билан таништирди.

Ўқув бўлими бошлиғи **Ў.С.Сирожиддинов** сўзга чиқиб, ушбу ўқув қўлланмадан 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши бакалаврият талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари ҳамда айни вақтда бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва мукамаллиги билан фарқланиши таъкидланди. Юқоридагиларни инobatга олиб мазкур ўқув қўлланмани **100 (юз)** нусхада нашр этиш мақсадга мувофиқ эканлиги айтиб ўтилди.

Илмий кенгаш қарор қилади:

1. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, ҚарМИИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Ғ.Н.Алиқулов**, СамДАҚИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси ассистенти **В.Р.Ниязовлар** томонидан **“Мулкни баҳолаш”** фани бўйича тайёрланган **“Ер участкаси ва бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўyxатидан ўтказиш”** номли ўқув қўлланмаси бошқа ўқув адабиётларидан кўчирилмаганлиги ва ундан 5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” таълим йўналиши бакалаврият талабалари ва 5А311502 – “Геодезия ва картография” ҳамда 5А311503 – “Бино ва иншоотлар кадастри” мутахассислиги магистрантлари фойдаланишлари мумкинлиги алоҳида таъкидлансин.
2. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Д.О.Жўракулов**, ҚарМИИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси доценти **Ғ.Н.Алиқулов**, СамДАҚИ “Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси ассистенти **В.Р.Ниязовлар** томонидан тайёрланган **“Ер участкаси ва бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўyxатидан ўтказиш”** номли ўқув қўлланмаси ўқув адабиётларни яратишда қўйиладиган барча талабларга жавоб берганлиги ва республикадаги олий таълим муассасалари эҳтиёжларини эътиборга олган ҳолда адади **100 (юз)** нусхада нашрга тавсия этилсин.

Илмий кенгаш котиби



Кўчирма ҳақиқий

Р.Т.Эшмаматов